

## СТАТИСТИКА

# БУХОРО ЕТАКЧИЛИК ҚИЛЯПТИ

**«Хизмат кўрсатиш соҳасида ривожланиш тенденцияларининг статистик таҳлили, кўрсатилаётган хизматларнинг статистик ҳисоби ва такомиллаштириш йўллари» мавзусига бағишланган матбуот анжуманида Давлат статистика қўмитаси мутасаддилари корхона, ташкилот ҳамда жисмоний шахслар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари ҳақида батафсил маълумот бердилар.**

Мутахассисларнинг қайд этишларича, 2018 йил натижаларига кўра, бозор хизматларининг ҳажми ўтган йилга нисбатан 8,4 фоизга ўсиб, 146836,3 миллион сўмни ташкил этган. Бу аҳоли жон бошига 106,6 фоизлик хизмат кўрсатилганидан далолат беради. 2019 йилнинг январь-май ҳолатига кўра, умумий бозор хизматлари ҳажми 68634,9 миллиард сўмга тенг бўлиб, унинг номинал ҳажми 13405,5 миллиард сўмга ошган. Таққослама эквивалентда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 13,2 фоизни ташкил этган.

Тадбирда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил (129,9 фоиз), таълим, соғлиқни сақлаш соҳаси хизматларида ўсиш суръати кузатилгани қайд қилинди. Айниқса, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон Республикасида таълим тизимида хизмат кўрсатиш сифати аввалги йилларга нисбатан анча яхшиланган. Бироқ Сурхондарё вилояти бу борада пассивлигича қоляпти.

**Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ**

ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

# Иқтисодий Газета

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

23-24 (54)-СОН. 2019 йил 5 июль. Жума.



## «60 МИНГ ЎҚИТУВЧИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТГА ЭГА ЭМАС»

10 саҳифа | МУНОСАБАТ

## ЗАМОНАВИЙ АГРОЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИ КЎПАЙТИРИЛСИН!

2 саҳифа | ИСЛОҲОТ





## АНДИЖОНДА 4-СЕКТОР ФУҚАРОЛАР РОЗИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШМОҚДА

7-саҳифа

## ҲАР ҚАНДАЙ ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Бунга ўз фарзандини 15 миллион сўмга сотишга уринган шахс ҳам ишонч ҳосил қилди

11-саҳифа



# ЭНГ ЗАИФ БЎҒИН

...бугун аксарият партияларимиз қари от қўшилган Қўқон аравани эслатяпти. От бечорани ҳар қанча қамчиламанг, барибир фойда йўқ...

## ҚАШҚАДАРЁ БЮДЖЕТИГА 330 МЛРД. ҚАЕРДАН ТУШДИ?

6-бет



## БУХОРО ЕТАКЧИ

2019 йилнинг январь-май ҳолатига кўра, умумий бозор хизматлари ҳажми 68634,9 миллиард сўмга тенг бўлиб, унинг номинал ҳажми 13405,5 миллиард сўмга ошган.

11 с.

2181-9467

**Валюталар курси**

1 АҚШ доллари 8574,74
1 ЕВРО 9747,76
1 Россия рубли 135,83
1 Англия фунт стерлинги 10883,92
1 Япония иенаси 79,48
1 Жанубий Корея вони 7,42
1 Қувайт динори 28271,46
1 Хитой юани 1249,05
1 Сингапур доллари 6341,33

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 2 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Иқтисодий Газета» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбекистон темир йўллари»да тарқатилади.

Scanned with CamScanner